

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО АНЖУМАН

САМАРҚАНД. (Ўза мухбири Акбар Қаршиев). Самарқанд давлат университетининг «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусика фестивали доирасида илмий-ижодий анжуман бўлиб ўтди.

Унинг кун тартибидан ўрин олган Шарқ кўшиқчилиги санъатида анъана ва замонавийлик, жанр таснифи, кўшиқчиликда ижро услублари билан боғлиқ масалалар бугун нафақат Шарқ, балки Европа ва Америка мусикашуносларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Англия университетларида Шарқ миллий мусикачилигидан сабоқ берилган, дейди асли ўзбек бўлган буюк британиялик мусикашунос Розия Султонова. «Ўзбек халқининг маданий мулки бўлган «Шашмаком» бўйича илмий изланишлар олиб бораётган. Инглизлар Шарқ мусикасига жуда катта қизиқиш билан қараётди. Мамлакатнинг қатор кутубхоналари ва музейларида «Шашмаком» тасмага туширилган ҳолда сақланади.

Анжуманда Япония, Корея, Озарбайжон, Тожикистон, Хитой, Миср ҳамда мамлакатимиз мусикашунос олимлари анъанавий миллий кўшиқчилик санъати, мусика асбоблари тарихи, макрам ижрочилигида чоғулар жўрлигига оид мавзуларда маъруза қилди.

Бундан озгина фурсат муқаддам Токио миллий рассомлик ва мусика университети профессори Гэньичи Цугэ бир гуруҳ мусикашунос олимлар билан биргаликда япон миллий мусика санъатининг тарихий илдишларини қидириб, юртимизга ташириб буюрди.

Унинг бошчилигидаги илмий экспедиция бир неча кун давомида Ватанимизнинг чекка масканлари, асосан қишлоқларда бўлиб, ўзгармай сақланиб келинаётган халқона оҳангдаги куй-кўшиқларни тадқиқ этди. Улар уч кун давомида қадим Сурхоннинг сўлим гўшаларидан бири Бойсун туманида ҳам бўлишди.

«Уч кун кичка фурсат, - дейди профессор мамлакатимиз ҳақидаги илқикрларини биз билан ўртоқлашаркан. - Лекин ана шу кичка давр ичида ўзбекистон анъаналар, урф-одатлар, меҳмон қутуш одоби хусусида анъанавий маълумотларга эга бўлдим. Биз ўрда бир неча тўй маросимларида ҳам иштирок этиб, бахши-оқинларнинг дўмбира чертиб айтган кўшиқларини тинглашга муваффақ бўлдим. Амин бўлдимки, япон миллий мусика санъатининг илдишларини ўзбекистон оқиб-ахлоқи биринчи ўринга қўядиган миллий анъаналарнинг ўхшашлиги ўзаро бирлаштириб тураркан.



Профессор Цугэ ва унинг ҳамроҳлари юртимизнинг сўлим табиати ҳақида ҳам анча тўқилганиб сўзлашди. Викорли Бойсун тоғлари ҳар қандай кишини кўлига соз тутиб, кўшиқ куйлашга ундар экан, дейишди улар. Шунингдек, Андижон вилоятининг Избоскан тумани ҳақида ҳам ана шундай фикр билдирилди.

Яна бир маълумот. Япониялик мусикашунос олим профессор Коидзуми дунёнинг даярли барча мамлакатларини айланиб, ўзи ташкил эт-

тондан қидириш керак, деган фикр-ни билдириб адашмаган эканман. Биз билан сизни маънавий қарашлар,

ган Токио мусика музейи учун барча халқларнинг миллий чоғу асбобларини йиққан ва айни шу мақсадда Ўзбекистонга ҳам ташириб буюришни режалаштирганди. Бирок, соёқ Иттифоқ даврида, ўша даврга хос равишда профессор Коидзумининг мамлакатимизга келишига ружаст этилмаган, музей учун эса рус балалайкаси ҳамда горн берилиб, улар ўзбекистонликларнинг ҳам миллий чоғу асбоблари эканлиги уқтирилганди.

Шу йилнинг феврал ойида Японияда бўлиб қайтган Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиев профессор Коидзумининг армонига айланган ниятини ижобат этишга бел боғлади. Шу мақсадда у жаноб Гэньичи Цугэ ва унинг ҳамроҳлари орқали Токио мусика музейига қарнай, қўшнай, дўмбира, дутор каби ўзбек миллий мусика асбобларини ҳадя этди. Япониялик олимлар ушбу ҳадя учун миннатдорчилик ихзор этишиб, ўзбек - япон халқлари ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорлик бундан кейин ҳам дўстона муносабатда давом эттирилишига тилак билдирилди.

Хасан ТОШХУЖАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА ЎЗБЕКОНА ТАРОНА

ЮЗ ЯНГИ ИНШООТ

ҚАРШИ. (Ўза, А. Мухаммадиев). Мамлакатимиз мустақиллигининг 12-йилида Қашқадарё вилоятида юзга яқин ижтимоий, маданий-маиший иншоот фойдаланишга топширилди.

Жумладан, ўн иккита касб-ҳунар коллежи, ўн учта мактаб қуриб битказилди. Улар янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, фойдаланишга топширилаётган иншоотлар ичида хусусий тадбиркорлар маблағи ҳисобига бунёд этилган бинолар анчагина. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўн тўққизта савдо, маиший хизмат нуқтаси, олтинта автомобилларга ёнилиги ва газ қуйиш шохобчаси, бешта чойхона ва ошхона, шунингдек, маҳалла гузарлари, автобекат ва болалар спорти иншоотлари бунёд этилди.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. 25 километр газ қувири, 16 километрлик сув қувири тортилиб, ишга туширилди.

Байрам кунларида эса Нуристон шаҳридаги 56 хонадонда ҳовли тўйлари бўлади.

2003 ЙИЛ 5 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА



Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечакларни сотувчи бозорлар, ярмаркалар ва бўлимларнинг жойлашиши

№	Ташкилотлар номи	Ярмаркалар сони	Турғун савдо дўконларидаги бўлимлар сони
«Савдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари			
1.	Қорақалпоқсавдо	6	7
2.	Андижонсавдо	8	10
3.	Бухорасавдо	7	10
4.	Жиззахсавдо	4	8
5.	Қашқадарёсавдо	7	10
6.	Намангансавдо	6	9
7.	Навоийсавдо	3	4
8.	Самарқандсавдо	9	15
9.	Сирдарёсавдо	4	8
10.	Термизвилоятсавдо	4	8
11.	Тошкентвилоятсавдо	8	15
12.	Фарғонасавдо	8	15
13.	Хоразмсавдо	5	7
14.	Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти	11	24
ЖАМИ:		90	150

Ушбу мактаб бозорларида ўқув-ёзув қуролларидан - ўқувчилар дафтари, умумий дафтарлар, кундалиқлар, расм дафтари, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар, портфеллар мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ! «ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

«АСАКАЁҒ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ


ЖАМОАСИ Республикаимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги - мучал тўй билан барча ватандошларимизни муборакбод этади.

Қарийб тўқсон йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган корхона ишчи-хизматчилари истиқлол шарофати билан янгилиниш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар. Корхона цехларига замонавий дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон - Россия қўшма корхонасида ёғ ихчам идишларга қадоқланаётир. Бундай ўзгаришлар боис корхона кундан-кунга ривожланапти. Ишловчиларга яратиб берилётган шароитлар янада яхшиланмоқда. Бугун корхона ажойиб боғ-роғ, ранг-баранг гулзорлар оғушида.

Эзгу ниятлар билан олдинга интилаётган «Асакаёғ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси халқимизнинг асрий орзуси - Мустақиллик абадий бўлсин деб, яна бир бор мамлакатимиз аҳлини қутлуг шодидёна билан олқашлайди.




БИР ЎЛКА БОР ДУНЁДА, БИРОҚ БИТИЛМАГАН ДОСТОНДИР БОРИ...



«OSIYO VATAREYA»
Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси
Ватандошларимизни
энг азиз, энг улуг айём бўлмиш
Истиқлолнинг мучал ёши -
ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади.
Тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик,
қут-барака хонадонларимизни ҳеч қачон
тарк этмасин.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!



ЮРТИМИЗ ОСМОНИДА ХУРРИЯТ КУЁШИ АБАДУЛ-АБАД ПОРЛАБ ТУРСИН!

Фалла мустақиллигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган Чортоқ туманидаги Бобур номи ширкат хўжалиги аъзолари бу йил ҳосилдорликни 60 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар. Улар ушбу меҳнат зафарларини Истиқлолнинг ўн икки йиллик байрамига бағишлайдилар. Хўжалик меҳнат аҳли барча чортоқликлар номидан ватандошларимизни қутлуг айём билан муборакбод этадилар.

<p>Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Савд АХМАД, Азиза АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиев ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахрид ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроекономат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30, Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Коракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-322-25; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ</p>
--	---	---	---	---	---	---	--